



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «25» июль

VI-31-51-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПКҚ-5117-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурига мувофиқ вилоятда хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда вилоят аҳолисининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш тўғрисида ИТ ва хорижий тилларни ривожлантириш бўйича вилоят ҳокими маслаҳатчиси О.Чориевнинг ахбороти Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида тингланганлиги ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2021 йил 6 июлдаги ЗООМ дастури орқали ўтказилган йиғилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (И.Сапаров), Термиз давлат университети (А.Мараҳимов) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий вакиллари ходимларига махсус хона ажратиш ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Вилоятдаги барча олий таълим муассасалари раҳбарлари (А.Мараҳимов, Ғ.Раҳимов, Ў.Ахмедов, Э.Қобилов, А.Жураев, Ф.Отамуродов) олий таълим муассасаларида хорижий тилларни пухта ўргатадиган ўқув марказларини хусусий шерикчилик асосида ташкил этсин.

4. Термиз давлат университети (А.Мараҳимов) 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Термиз давлат университети қошида таълим сифатини текшириш муассасасининг хорижий мамлакат ўқитувчилари билан ҳамкорликда доимий равишда тестлар олиб борилсин ҳамда халқаро имтиҳонларга рўйхатдан ўтқизиш марказини ташкил қилсин.

5. Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси (З.Тўлаганов):

мактабгача таълим муассасалари ҳузурида хорижий тилларни ўқитиш бўйича давлат-хусусий шерикчилик асосида ўқув марказлар фаолиятини йўлга қўйилсин;

мактабгача таълим муассасаларидаги хорижий тиллар ўқитувчилари малакасини доимий равишда ошириб борсин.

6. Вилоят Халқ таълими бошқармаси (С.Ҳамидова) 2021-2022-ўқув йилидан бошлаб Сурхондарё вилоятида 15 та хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил қилсин ҳамда вилоят ҳокимлигига тасдиққа киритсин.

7. Термиз давлат университети (А.Мараҳимов) олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва нуфузли хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб Буюк Британиянинг (OTHM qualification) ташкилоти билан ҳамкорликда Термиз давлат университети қошида “Termez International TESOL University” ташкил этилишини ва тўрт йўналиш бўйича (Information Technology, Business Management, Tourism and Hospitality Management, TESOL UK/USA) халқаро бакалавр дипломлари берилишини йўлга қўйсин.

8. Сурхондарё вилоятида китоб савдоси тизимини тубдан яхшилаш, хусусан, чет тилларини ўқитишга мўлжалланган китобларни жойларга етказиб бериш жараёнини узлуксиз йўлга қўйиш мақсадида “Cambridge Assesment English”, “Pearson ва Oxford University Press” каби нуфузли нашриётлар билан келишувлар олиб борилди, сифатли китоблар етказиб бериш ва вилоятнинг ўзида чоп этиришни йўлга қўйиш бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, китобларни чет давлатлардан олиб келишда божхона имтиёзлари яратилиши учун қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилиши белгилансин.

9. Термиз шаҳар ва барча туманлар ҳокимлари, вилоят Халқ таълими бошқармаси (С.Ҳамидова) Сурхондарё вилоятида халқаро даражадаги ўқитувчи ва тренерлар сонини кўпайтириш мақсадида Термиз шаҳар ва туманлардан иқтидорли ўқитувчиларни саралаб олган ҳолда интенсив тарзда IELTS, TESOL ва CELTA халқаро имтиҳонларига тайёрлаб, халқаро сертификатларини қўлга киритишларида Термиз шаҳар ва барча туман ҳокимликлари томонидан қонунда белгиланган тартибда грант маблағлари ажратилиш чораларини кўрсин.

10. Вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов) ИТ ва хорижий тилларни ривожлантириш бўйича вилоят ҳокими маслаҳатчиси (О.Чориев) хорижий тилларни ўқитишни рақамлаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникатция технологияларини кенг жорий этиш мақсадида ҳудудлардаги ИТ-марказларда ёшларни хорижий тилларга онлайн ўргатиш курсларини йўлга қўйсин ҳамда мазкур харажатларнинг бир қисми қонунчиликда белгиланган тартибда Ёшлар жамғармаси ҳисобидан қоплаб берсин.

11. Термиз шаҳар ва барча туманлар ҳокимлари, вилоятдаги барча корхоналар,

ташкilotлар ва муассасалар раҳбарлари, Олий таълим муассасалари, вилоят халқ таълими бошқармаси (С.Ҳамидова), вилоят Мактабгача таълим бошқармаси (З.Тўлаганов) Хорижий тилларни ўқитиш соҳасида “боғча-мактаб-олий муассасаси ташкилоти-корхона” тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш мақсадида хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда ҳар ойда 1 марта вилоятнинг барча туман ва Термиз шаҳрида “Cambridge Assesment PreTesting” ва “Mock exam” имтиҳонлар марказларини ташкил этсин ва махсус платформа ишлаб чиқиб, барча иштирокчиларнинг рейтингларини ёритиб борсин.

Ушбу имтиҳонлар харажати туман ва шаҳар ҳокимликлари ва тегишли корхоналар томонидан қонунда белгиланган тартибда молиялаштирилсин.

12. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли мансабдор шахслар томонидан ҳар ой якунига қадар халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритиб борилсин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Холлиева) зиммасига юклансин.

14. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**